

## PROCESS OF KNOWLEDGE FORMATION IN SPECIAL SCHOOL STUDENTS WITH VISUAL DEFECTS

Musaev Dilshod Askardjanovich

Geography Teacher of the Specialized Boarding School No. 77 of Tashkent city

Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD) Uzbekistan

### ABSTRACT

the article talks about the process of knowledge formation in special school students with visual impairments.

**Keywords:** knowledge, receiving information, perception, listening, feeling, explanation, correction, learning material, skill, competence, use.

## КЎРИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН МАХСУС МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА БИЛИМ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Мусаев Дилшод Аскарджанович

Тошкент шаҳри 77-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернат

география фани ўқитувчиси

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

### АННОТАЦИЯ

мақолада кўришида нуқсони бўлган махсус мактаб ўқувчиларида билим шаклланиш жараёни ҳақида гап борган.

**Калит сўзлар:** билим, маълумотни қабул қилиш, идрок, тинглаш, хис қилиш, тушунтириш, каррекция тузатиш, ўқув материали, кўникма, малака, фойдаланиш.

Кўриш бўйича имконияти чекланган ўқувчиларда географик билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шаклланиш жараёни 4 босқичда амалга ошади [2; 34-36-б.].

Ўқувчида билим, кўникма, малака, ва компетенциялар ҳосил бўлиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Ўқувчилар маълумотни қабул қилишади (кўришади, тинглашади, ҳис қилишади ва бошқалар);
2. Маълумот ўқувчи онгида анализ-синтез жараёнида қайта ишланади (тушунча ва тасаввурлар ҳосил қилинади);
3. Ҳосил қилинган билимлар бошқаларга сўзлаб берилади (тушунтириб беради);
4. Эгалланган билимлар кундалик ҳаётда қўлланилиши давомида кўникма, малака ва компетенцияларга айланади (фойдаланилади).

Барча босқичлар муваффақиятли амалга оширилиши натижасида ўқувчи тўғри таркиб билим топган билимга эга бўлади. Акси холда, педагог ва ўқувчиларнинг билим ҳосил қилиш жараёни босқичларда номувофиқ кечади ҳамда билимлар етарлича коррекция шаклланимайди. Чунончи, биринчи босқичда ўқувчи ўқитувчи билан берган маълумотларни (материални) диққат билан тўлиқ ўзлаштирадиган (мос келувчи метод ҳамда

воситалардан фойдаланмаслик ва ҳ.к.) оқибатида билимлар ҳосил бўлиши илк босқичдаёқ муваффақиятсизликка учраши мумкин. Ўқувчилар томонидан ўқув материали ўзлаштирилмайди. Биз кўришида нуқсони бўлган мактаб ўқувчилари билан олиб борган тажрибаларимиз кўрсатишича, 50% ўқувчилар биринчи босқичда билимларни ўзлаштиришда муаммоларга учрашади.

Бу муаммонинг ечимини ўқитувчи коррекцион йўналтирилган услубларни қўллаш орқали топиши мумкин. Масалан, география фанини ўқитишда ўқитувчи амалий услуб ва кўргазмали воситалар (махсус мослаштирилган харита ва АКТ воситаси билан, индивидуал, ҳамкорликда ва кичик гуруҳларда ишлаш) ёрдамида ўқувчи диққатини материалга қаратиб туриши мумкин. Шунингдек, берилган материални диққат билан ўрганилганлигини назорат қилиши керак. Бунинг учун, маълумотни ўрганилиши жараёнида ва якунида ўқувчиларга маълум саволларни беради.

Иккинчи босқичда, ўқувчи қабул қилган материални тўлиқ тушунмаслиги (онгида далиллаш учун аввал эгаллаган билимлари етишмаслиги) оқибатида тушунча ва тасаввурларни ўқувчи онгида иникос этмаслигига олиб келади. Ҳаёти тажриба аввалдан мавжуд бўлган билимларни мустахкамланиб бориши ва кундалик ҳаётда фойдаланиши натижасида ҳосил бўлади. Ўқувчилар маълумотни анализ-синтез қила олмаслиги кузатилса, маълумот ўзлаштирилмайди, билим ҳосил бўлиш жараёни узилиб қолади ва кўпинча ўқувчи онгида ўрганилаётган объект ҳақида нотўғри тушунча ҳамда тасаввурлар таркиб топади.

Кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларда хусусан, таълим жараёни узбектилида олиб бориладиган синфларда терминологияга оид билимларни шакллантириш лозим. бундай билимлар нисбатан паст ривожланганлиги оли борган татқиқотларимиз натижаларида акс этган. Шунинг билан бир қаторда, табият воқия ва ходисалари ва уларнинг келиб чиқиши ҳамда мохияти ҳақида билимларни сифатли таркиб топтириш ҳам самарали ёндошувлардан ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида ўқувчиларга берилган материални аввалги билимлар ёрдамида тез ва тўғри тушуниш ва онгли равишда тафаккур қилишларига имконият беради.

Билим ҳосил бўлишни биринчи ҳамда иккинчи босқичлари жуда муҳим аҳамият касб этади. бу босқичларда таълим жараёнини тўғри ташкил этиш билим ҳосил қилишда мақсадга эришишни асоси қисми ҳисобланади.

Ўқитувчи методлар таъсирида босқичлардаги вазиятни ижобий ва салбий томонга ўзгартира олади.

Жумладан, ўқувчилар учун UV–print харитасини ўрганиш география дарсларида берилаётган маълумотларни тушунарли ва қизиқарли бўлишига сабаб бўлади. Харитадан фойдаланишнинг муваффақиятли ташкил этилиши ундан фойдаланиш методикасини тўқри ташкил қилинишига боғлиқ.

UV–print харитаси билан ишлашнинг икки ҳил технологиясини ишлаб чиқдик [2. 199-205-б.]. Биринчи технология кўришида нуқсони бўлган ўқувчилар харита билан ишлашни уч босқичда олиб боришларини назарда тутди:

1-босқичда UV–PRINT Ўзбекистон Республикаси сиёсий-маъмурий харитасидан ўзлари яшайдиган ёки ўзлари яхши биладиган ҳудудни аниқлайдилар;

2-босқичда бошқа вилоятлар географик ўрнини яхши биладиган жойга нисбатан йўналишни аниқлаб бошқа ҳудудларни ориентирлайдилар;

3-босқичда барча вилоятларнинг географик ўрни бир нуқтадан мўлжал олиш орқали ўқувчи онгида яхлит тасвир ҳосил қилинади. Бу босқичлар коррекцион тузатилган ва ўқувчиларни компенсацион ҳисси идрокларига таянган ҳолда амалга оширилади. Натижада, ўқувчилар харитадан барча вилоятлар географик ўрнини кўрсатиш ва компетенциявий фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

UV–харита билан ишлашнинг яна бир самарали технологиясида, кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларни хаританинг номи, шартли белгилари ва бошқа умумий маълумотлари билан таништиргач, ўқувчилардан “Ўзбекистоннинг сиёсий-маъмурий харитаси” нинг энг шарқий (хаританинг ўнг томони) қисмида жойлашган вилоятни аниқлаш сўралади, ўқувчилар шартли белги билан ажратиб қўйилган Андижон вилояти ҳудудини топадилар ва Андижон вилояти ҳудудини ташқарисидаги шимоли-шарқий чегара яқинидаги (Анд) қисқартмасини ўқиб, Андижон вилоятини ҳудудини тўғри топганларини биладилар. Бир муддат ҳудудни шакли, чегаралари ва вилоят маъмурий марказини англатувчи диаметри 6 мм ни ташкил қиладиган бўртма доира шаклини топиб, шу ерда вилоят маркази жойлашганини кўрсатадилар. Шу тартибда кейинги ҳудудларни, яъни жанубий-ғарбий ва шимолий-ғарбий йўналишда ўрганишда давом этадилар.

Юқоридаги ўқув машғулотлари кетма-кетлиги хар бир вилоятни ўрганиш вақтида такрорланиб боради. Шу йўналишда барча вилоятлар навбати билан ҳудуд бўйлаб ўрганилиб чиқилади. Харитани ўрганишнинг бу услубини “харитани ўрганишнинг тизимли технологияси” деб аташимиз мумкин. Харитани ўрганишнинг тизимли технологияси ўқувчиларда харита ҳақидаги билимларни кетма-кетликда ҳосил болишига олиб келади, харита деталлари тушиб қолишига йўл қўймайди, тушунча ва тасаввурлар босқичма-босқич схематик тасвирни ҳосил қиладди, яқунда яхлит кўринишга келиши ва коррекцион тузатилиши билан самарали ҳисобланади.

Кўришида нуқсони бўлган ўқувчилар харитани биз ишлаб чиққан методда ўрганиб боришлари Ўзбекистон харитасини тасаввур қилишларига олиб келади. Натижада, ўқувчилар дарс материалларини (маълумотларни) ўзлаштиришларида аввалдан ҳосил қилинган тасаввурлар катта роль ўйнайди.

Харитадан фойдаланган ҳолда бир жойдан иккинчи жойга бориш, йўналишни ориентирлаш кўникма-малакаларига эга бўлишади. Бу эса, ўз навбатида ўқувчилардаги абстракт ва фрагментар тушунчаларни тузатиш ҳамда бир бутун тизимли билимларни шакллантиришга имкон беради.

Рельефли географик харитани ўрганиш давомида асосан битта қўлдан фойдаланилади, кўпинча ўнг кўлни кўрсаткич бармоғи рельефли харита юзасини ўрганади. Баъзи ўқувчиларга чап қўл қулайроқ бўлиши мумкин, ёки агар харитада икки нуқта орасида қиёслаш зарур бўлса, бошқа бармоқлардан ёки иккинчи қўлдан фойдаланишга рухсат берилади.

Рельефли географик харита билан ишлаш вақтида, кўзи ожиз ўқувчиларга харитани кўрсатиш услуби катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларга имкон қадар мустақил ишлаш имкониятини бериш керак. Харита бўйлаб ўқувчини қўлини бошқариш керак эмас.



Харитадаги географик объектларни бир-биридан фарқлаб олишлари осон бўлиши учун, олдиндан маълум оғзаки тушунтиришлар ва тавсифлар бериш мақсадга мувофиқ. Маълум бир объектларни йўқотиб қўйиш ёки ҳар сафар маълум бир объектни осон топа олиш имкониятини яратиш учун бирор-бир объектни (қўл, дарё ва бошқалар) мўлжал сифатида танлаб олиш мумкин.

UV-print харитасини ўрганиш натижасида шаклланган билимни мустаҳкамлаш мақсадида ёзувсиз харита билан ишлаш технологиясидан фойдаланилади. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи ўқувчилар индивидуал равишда ёзувсиз харита билан ишлашлари ташкил қилинади. Чунончи, кўриш ўткирлиги 0,04 ва ундан юқори бўлган ўқувчилар (заиф кўрувчилар) ва 0,04 дан паст бўлган ўқувчилар (кўзи ожизлар) учун индивидуал тарзда методлар ишлаб чиқилди.



1-расм. Кўришида нуқсони бўлган ўқувчилар учун мослаштирилган ёзувсиз харита

8-синф “Маъмурий-ҳудудий тузилиши” ёзувсиз харитаси А3 форматида синфдаги ўқувчилар сони миқдорида қўпайтирилади, заиф кўрувчилар учун давлатнинг ташқи ва вилоятлараро чегаралари тўқ тусдаги қора рангда аниқ кўринадиган тарзда чизиқлар (чегаралар) билан ажратиб берилади. Заиф кўрувчи ўқувчилар чизиқли харитадаги ҳудудлар ички қисмини рангли қаламлар ёрдамида керакли рангларга бўяб чиқадиладар. Заиф кўрувчи ўқувчиларни кўриш ўткирликлари бу вазифани бажаришга имкон беради. Кўзи ожиз ўқувчилар учун Ўзбекистоннинг чизиқли харитаси сирти бўртма чизиқли чегаралар ёрдамида ажратиб берилади. Бўртма чизиқлар силлиқ ва шаффоф пенопласт материалга грифел (тешиб ёзиш учун ишлатиладиган махсус қаламсимон мослама) ёрдамида (ўқитувчи томонидан) қўл билан тешиб чиқиб чизилади. Ёзувсиз харита юзаси бўртма чегаралар туширилган пенопласт варағи билан қопланади. Бўртма чизиқлар харита чегаралари билан устма-уст тушиши ва мос келиши зарур. Кўришида нуқсони бўлган ўқувчилар ана шу харита сиртига Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳри

ҳудудларининг чегаралари ички қисмига ёпишадиган материални (бир томони ёпишадиган қоғоз) ёпиштириш орқали белгилаб чиқишади.

Бу вазифани бажариш кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларда, хусусан, сезги анализаторлари жиддий бузилган ёки паст даражада ривожланган ўқувчилардан маълум миқдорда кўшимча вақтни талаб қилади, бундай ҳолда ўқитувчи дарс учун белгиланган вақтдан чиқиб кетмаслик мақсадида ортда қолаётган ўқувчиларга вилоятлар ҳудудларидан фақат биттасини белгилашни вазифа қилиб беради. Харитани қолган ҳудудларини бўйлаб ишлари кейинги дарсларда ёки уйда мустақил равишда ҳам да тарбиячи–мураббийлар ва ота-оналар назоратида бажарилади. Вақт ўтиши билан ўқувчилар малакаси ортиб боради ва чизиқли харитани бўйлаб кам вақтни талаб эта бошлайди.

Ёзувсиз харита билан ишлаш технологияси ёрдамида заиф кўрувчи ва кўзи ожиз ўқувчилар харита ҳудудларининг географик ўрни, харитадаги шакли, чегаралари, чекка нуқталари, маъмурий маркази ва бошқа маълумотларни чуқур ўрганиш ҳамда эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, ўрганилаётган тоифадаги ўқувчиларда географик билимларни ҳосил қилишда яна бир самарали йўналиш сифатида ахборат-коммуникацион технологияларини дарсларда қўллаш имкониятларини ўрганиш зарур.

1. Компьютер ва смартфон технологиясига Screen Reader, magnifier дастурлари ўрнатилган бўлиши, Интернет тармоғи ва бошқа зарурий қурилмалар уланган бўлиши талаб этилади. Бу дастур ва қурилмалар кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларга компьютер ва смартфон технологиялардан фойдаланиш имкониятини яратади.

2. География дарсларида махсус АКТ воситаларини қўллаш технологияларини ишлаб чиқишда мультимедияларни қўллашга устуворлик берилиши мақсадга мувофиқ. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи ўқувчиларга нисбатан мультимедияларни турлича идрок қилишади. Кўриш қобилиятини мутлоқ йўқотган ўқувчилар мультимедиа материалларини эшитиш идроки орқали ўзлаштиришса, заиф кўрувчи ўқувчилар материалларни биринчи навбатда кўриш идроки иккинчи ўринда эшитиш идроки орқали ўрганишади. Яъни, материални овози заиф кўрувчи ўқувчиларни кўриш идрокига ёрдамчи ва тўлдирувчи вазифани ўтайди.

Кўриш қобилияти жиддий бузилишга учраган ўқувчилар учун мультимедиялар овози асосий маълумот манбаси ҳисобланади. Улар учун материални овозли қисми сифатли бўлиши, географик объект, воқеа ва ҳодисаларни табиий овози билан бирга берилган бўлиши, турли ортикча шовқинлардан ҳоли бўлиши, сўз билан батафсил таърифланган бўлиши, тифлокомментарийларга эга бўлиши зарур.

Учинчи босқичда, ўқувчи эмоционал ҳолати ва бошқалар туфайли билган билимларини ўқитувчига ҳамда бошқаларга етказиб бера олмаслиги мумкин.

Бу камчиликлар ўқувчининг ўзига бўлган ишончини, тақдимот қилиш маҳорати ва артистизм, нутқи қобилиятларини ривожлантириш орқали амалга оширилади.

Тўртинчи босқичда кўришида нуқсони бўлган ўқувчилар эгаллаган билимларини керакли воситалар (махсус мослаштирилган хариталар, АКТ воситалари ва бошқалар) нинг етишмаслиги ёки тўлиқ мослаштирилмаслиги сабабли, кундалик ҳаётларида таниш ва

нотаниш вазиятларда олган билим, кўникма ва малакаларидан фойдалана олишлари, ўрганилаётган тоифадаги ўқувчилар географик маълумотларни ўз ҳаётларида қўллашлари учун ўқувчиларни махсус мослаштирилган харита ва АКТ воситалари билан таъминлаш ва улардан кундалик мақсадларда фойдаланиш малака кўникмаларини таркиб топтириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, кўришида нуқсонли бўлган ўқувчиларда географик билимлар таркиб топиш жараёни юқоридаги босқичларда олинган маълумотни онгдаги тушунча ва тасаввурлар билан боғлиқ бўлмаслиги, тушунчаларни абстракт ва фрагментарлиги ҳамда иккиламчи нуқсонларни мавжуд бўлиши туфайли янада мураккаб кечади. Ўқитувчи ўқувчиларда барча билим ҳосил бўлиш босқичларида жараён боришини назорат қилиши, керакли вазиятларда ўқитиш технология ва методларини ўқувчиларнинг билимларини коррекцион йўналтиришга, индивидуал ва дифференциал ўзига хос хусусиятларига мос равишда ишлатишга қаратиши зарур. Биз география ўқитишнинг янги технологияларини татбиқ этиш жараёнида ўқувчиларни билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда сақланган сезги анализаторларининг компенсацион фаолиятига, коррекцион йўналтирилган услуб ва воситаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга асосландик.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Mirzamahmudov O.T., Hakimov M.M, Mirzamahmudova H.T. Amaliy geografiya o'qitish usullari: uslubiy ko'rsatma (O'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim muassasalari uchun). – Namangan, 2017. – B. 9-11.
2. Musaev D.A. Formation of geographical knowledge in visually impaired students // International scientific and current Research conferences. Florida, USA, 2021, pp. 34-36.
3. Musayev D.A. Ko'rishda nuqsonli bo'lgan o'quvchilar geografiya ta'limini maxsus xaritalar yordamida takomillashtirish // Toshkent davlat pedagogika universiteti ilmiy axborotlari, ilmiy nazariy jurnal – 9-son, 2022. B. 212-218.